




**ФАРҒОНА ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**



# **“ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИ”**

## **МОДУЛИ БЎЙИЧА ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**А.А.Қамбаров - ФарДУ  
Фалсафа кафедраси доценти,  
фалсафа фанлари номзоди**

**2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган**

**Тузувчи:**

**А.А.Қамбаров - ФарДУ Фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди**

**Тақризчилар:**

**И.М.Арзиматова -ФарДУ Фалсафа кафедраси мудири, доцент, фалсафа фанлари номзоди**

**Д.Э.Норматова - Фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди**

## МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	14
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	18
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	65
V.	ГЛОССАРИЙ .....	81
VI.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	85

# I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизimini жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

## I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**“Ўзбек фалсафаси” модулининг мақсади:** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

### **“Ўзбек фалсафаси” модулининг вазифалари:**

- “Фалсафа” йўналишидаги педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма ҳамда малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- “Фалсафа” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

**“Ўзбек фалсафаси”** модули бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- ўзбек фалсафасининг умумназарий масалалари ҳамда миллий асосга эга бўлган фалсафий муносабатларни;

- ўзбек фалсафасининг жамият маънавий ҳаётидаги аҳамияти, ўзбек фалсафасининг маънавият тизимидаги ўрнини;

- ўзбек фалсафасининг бошқа халқлар фалсафаси билан диалектик боғлиқлиги, унинг умумий қонуниятлари, ўзбек фалсафасининг долзарб муаммолари ва унинг шахс камолотига таъсири, юзага келтирувчи омиллари ҳақида назарий билимларни билиши керак.

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модулмавзулари	Тингловчиланинг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			жумладан				
			жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари	4	4	2	2		
2.	Глобаллашув шароитида янги тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати	4	4	2	2		
3.	XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси	4	4	2	2		
4.	“Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси	3	3	1	2		
5.	Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари	3	3	1	2		
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>		

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари(2 соат)**

**Режа:**

1. Ўзбек фалсафаси борми?
2. Ўрта Осиё – инсониятнинг Шарқдаги илк маданият марказларидан бири.
3. Ўзбек фалсафасининг икки қаноти.

Мазкур мавзуда Ўзбек фалсафаси модулини ўқитиш жараёнида дастлаб ўзбек фалсафаси борми? - деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилинади,

сўнгра Ўрта Осиё – инсониятнинг Шарқдаги илк маданият марказларидан бири эканлиги кўриб чиқилади ва ўзбек фалсафасининг икки қаноти ҳақидаги фикрлар атрофлича таҳлил қилинади.

## **2-мавзу: Глобаллашув шароитида янгича тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати(2 соат)**

### **Режа:**

1. Глобаллашув шароитида янгича тафаккурнинг зарурлиги.
2. Янгича тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий омиллари.
3. Янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий менталитет.

Глобаллашув шароитида янгича тафаккурнинг зарурлиги ҳамда янгича тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий омиллари, шунингдек, янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий менталитет масалалари мазкур мавзуда кенг ёритиб берилади.

## **3-мавзу: XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси (2 соат)**

### **Режа:**

1. XX аср ўзбек фалсафасининг шаклланиши омиллари.
2. XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари.
3. Жамиятнинг янги тараққиёти босқичида миллий фалсафа мактабининг стратегияси.

XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг стратегияси мавзуси орқали XX аср ўзбек фалсафасининг шаклланиши омиллари ҳамда XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари ва миллий фалсафа мактабининг стратегияси масалалари илмий жиҳатдан асослаб берилади.

#### **4-мавзу: “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси (2 соат)**

##### **Режа:**

1. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” концепциясининг мазмун-моҳияти.

2. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси эканлиги.

3. Янги Ўзбекистонда ўзбек фалсафасига муносабат.

Мавзуда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” концепцияси ва унинг мазмун-моҳияти, шунингдек, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси эканлиги ҳамда янги Ўзбекистонда ўзбек фалсафасига муносабат масалалари кенг ва атрофлича ёритиб берилди.

#### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

##### **1-мавзу: Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари (2 соат)**

##### **Режа:**

1. Ўзбек фалсафаси борми?

2. Ўрта Осиё – инсониятнинг Шарқдаги илк маданият марказларидан бири.

3. Ўзбек фалсафасининг икки қаноти.

##### **2-мавзу: Глобаллашув шароитида янгича тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати (2 соат)**

##### **Режа:**

1. Глобаллашув шароитида янгича тафаккурнинг зарурлиги.

2. Янгича тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий омиллари.

3. Янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий менталитет.



**3-мавзу: XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш  
стратегияси (2 соат)**

**Режа:**

1. XX аср ўзбек фалсафасининг шаклланиши омиллари.
2. XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари.
3. Жамиятнинг янги тараққиёти босқичида миллий фалсафа мактабининг стратегияси.

**4-мавзу: “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек  
фалсафасининг замонавий концепцияси (2 соат)**

**Режа:**

1. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” концепциясининг мазмун-моҳияти.
2. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси эканлиги.
3. Янги Ўзбекистонда ўзбек фалсафасига муносабат.

**5-мавзу: Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб  
боришининг асосий йўналишлари (2 соат)**

**Режа:**

1. Ўзбекистонда маънавий барққамол авлодни тарбиялашда ўзбек фалсафаси.
2. Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясига кириб боришининг асосий йўналишлари.
3. Учинчи ренесанс даврини шаклланишида ўзбек фалсафаси.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажак фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2019.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ – 637- сонли Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### III. Махсус адабиётлар:

1. Falsafa. Ахмедова М. Таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
2. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. -Т.: Sharq, 2005.
3. А.Маманов. Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар, С.: «Зарафшон» - 2015.-155 б.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010 й.
5. Абдулла Шер. Эстетика. / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.:Янги аср авлоди, 2016.- 318 б
7. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю.и др.Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
8. Б.Ҳусанов. Бошқарув этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎЗМУ, 2017.
9. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
10. Бозаров Д. Синергетик парадигма. -Т.: Тафаккур, 2010. -160б.
11. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
12. Ж.Румий. Ичингдаги ичингдадур.-Т.: Янги аср авлоди, 2016.-272 б.

13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
14. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография.М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017.–128 с.
15. Иззетова Э., Пулатова Д. Философия. -Т.: Шаркшунослик, 2012. 340-6
16. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
17. Л.А.Муҳаммаджонова, Д.О.Ортикова, Ф.А.Абиджанова, Г.К.Машарипова. Профессионал этика ва этикет.Дарслик. - Т.: "Адабиёт учкунлари" 2018 й.
18. Л.Муҳаммаджонова,Ф.Абиджанова Этикет. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎЗМУ, 2018 й.
19. М. Каххарова, Н Агзамова. Этика Учебное пособие. Ризограф имени Низами. 2018 г.
20. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
21. Муҳаммаджонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имиджи. Ўқув қўлланма - Т.: Университет, 2017.
22. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
23. Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. - Т.: Янг и аср авлоди. 2008.
24. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртлирида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019 й.
25. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.

26. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.
27. Шермухамедова Н.А. Борлик ва ривожланиш фалсафаси.-Т.: Ношир, 2013,720 б
28. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси.-Т.: Ношир, 2017. 460-б.
29. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш.-Т.: Ношир, 2012. 320 б.
30. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.: Молия, 2003.
31. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. –Т.: Sharq, 2005.
32. Нурматова М., Муҳаммаджонова Л. Маънавиятнинг ахлоқий асослари. // Ўқув кўлланма. Тошкент: Унверситет, 2013.

#### **IV. Интернет сайтлар**

33. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
34. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
35. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
36. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
37. <https://philpapers.org/> - международная философская поисковая система по книгам, статьям, журналам, находящимся в открытом доступе
38. <https://plato.stanford.edu/> - Стэнфордская энциклопедия философии.  
<https://elibrary.ru/> - крупнейший российский информационно-аналитический портал (в том числе) в области философии

#### **IV. Электрон таълим ресурслари:**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ўзбек фалсафаси” фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда деярли барчаси тадбиқ этилиши мумкин. Хусусан, маъруза ва семинарлар “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Меню”, “Б/Б/Б”, “Мунозара”, “Резюме” сингари методлар, слайдлар, мультимедиа намойшлари билан ўтказилади. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тулакони ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ уқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бу эса таълимни лойиҳалаштириладиганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ уқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутди.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бугинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

**Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.** Шахснинг жараёнли сифатларини акллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсифлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

**Диалогик ёндошув.** Бу ёндошув ўқув муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.** Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

**Муаммоли таълим.** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилишорқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларида бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усуллари диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

**Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усуллари қўллаш** - янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

**Ўқишнинг усуллари ва техникаси.** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар.

**Ўқитишни ташкил этиш шакллари:** диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

**Ўқитиш воситалари:** ўқишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив тесқари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тесқари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, оралик ва жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳдили асосида ўқитиш диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

**Мониторинг ва баҳолаш:** ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёки ёзма иш вариантлари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

“Ўзбек фалсафаси” фанини ўқитиш жараёнида компьютер технологиясидан, "Ексел" электрон жадваллар дастурларидан фойдаланилади. Айрим мавзулар бўйича талабалар билимини баҳолаш тест асосида ва компьютер ёрдамида бажарилади. "Интернет" тармоғидаги расмий иқтисодий кўрсаткичларидан фойдаланилади, тарқатма материаллар тайёрланади, тест тизими ҳамда таянч сўз ва иборалар асосида оралиқ ва якуний назоратлар ўтказилади

“Ўзбек фалсафаси” дарслари қизиқарли ва талабага бой ахборот берадиган бўлишига ёрдам берадиган улублар жуда кўп. Лекин улар орасида фалсафанинг энг синалган ва энг қадимий услуби бўлган “сукротча бахс”га ҳеч қайси услуб ета олмайди. Зеро айнан шу услуб диалектик фикрлаш услубидир ва айнан шу услуб дунёга Сукрот, Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби кўплаб мутафаккирларни етиштирган. Айни шу услуб Платон диалогларида акс этган ва ҳозиргача инсоният етук мутафаккирларини камолотга етказишда давом этмоқда. Бу услубни яхши билиш учун мазкур диалогларни чуқур ўрганиш керак. Бугунги кунда уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилгани эса ишимизни янада енгиллаштирди. Бу услуб семинарда эмас, балки фақат маърузалар вақтида ўқилади. Бунда ўқитувчи Сукротнинг, талабалар эса Сукротнинг суҳбатдоши ролларини ўйнайдилар. Мазкур методни машқ орқалигина намойиш этиш мумкин. Шунинг учун бу ерда ушубу услубга бошқа тўхталмаймиз. Лекин методикадан ўтказадиган семинарларимизда бу методни махсус машқ қилиб кўра оламиз. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу услубни фалсафани чуқурроқ биладиганлар ўзлаштириши мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Фалсафа дарсларининг хажми жуда қисқа бўлган нофалсафа мутахассисликлари дарсларида эса уни қўллаш учун етарли вақт топиб



бўлмайди. Аммо бу услуб масаланинг жавоби бахс катнашчиларидан бирига аён бўладиган платонча (суқротча) диалог эмас, албатта. Бу саволлар ва уларга жавоблар тўқнашуви жараёнида келиб чиқадиган ўз ўзидан ташкилланиши кутиладиган нозизиқли когнитив-коммуникатив муҳитдир.

“Ўзбек фалсафаси” модулини ўрганишга эндигина киришганлар эса аввал осонроқ услублар асосида ўз тафаккурларини ривожлантирадиган услублар асосида ишлашлари мақсадга мувофиқ. Шундай услублар каторига “инсерт” услуби туради.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: Ўзбек фалсафасининг тарихий илдизлари (2 соат)

##### РЕЖА:

1. Ўзбек фалсафаси борми?
2. Ўрта Осиё – инсониятнинг Шарқдаги илк маданият марказларидан бири.
3. Ўзбек фалсафасининг икки қаноти.

*Калит сўзлар:* ўзбек фалсафаси, ҳинд ва хитой, юнон-рим, инглиз, немис, француз ва рус фалсафаси, миллий замин, Зардуштийлик, Монийлик, Маздакилик, инсонийлик, милатпарварлик, миллатлараро дўстлик, эзгулик.

Ўзбек фалсафасини ривожлантириш мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг долзарб вазифалари орасида Ўзбекистоннинг мустақиллиги, истиқлол йилларининг тажрибаси, ўтган даврда юртимизда амалга оширилган туб ўзгаришлар, ислохотлар жараёнини фалсафий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда амалиёт учун зарур хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, йилларида халқимиз тафаккуридаги янгиланишлар, маънавий меросимизнинг тикланиши, миллий ўзликни англаш соҳаларидаги ўзгаришларни фалсафий изоҳлаш масалалари ҳам долзарб вазифалар қаторига киради. Булар орасида мустақиллик, унга асосланган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий жараёнларга фалсафий ёндашув билан боғлиқ вазифалар алоҳида ўрин тутади.

Сир эмас узоқ йиллар давомида ёшларга хитой ва ҳинд фалсафаси, қадимги юнон-рим фалсафаси, Бэкон, Гоббс ва Лок номлари билан блғланган

инглиз фалсафаси, Дидро, Гелваций, Голбах, Руссо ва бошқалар номлари билан боғлиқ француз фалсафаси, Кант, Гегел, Фейербах ва ўнлаб бошқа исмларда ўзини намоён қилган олмон фалсафаси ҳақида, Ломоносов, Радишчев, Чернишевский, Герцен ва бошқалар орқали жоҳон фалсафасида ўз ўрнини эгаллаган Рус фалсафаси ҳақида сўзлаб берилган.

Жаҳон халқларининг фалсафий бойлиги ва мероси ҳақида сўзланганда биринчи навбатда юқорида санаб ўтилган фалсафа мактаблари ва файласўфлари тушуниланган. Бундан маълум бўладики, жаҳон фалсафаси миллий фалсафий мактаблардан ташкил топган. Яъни, бошқача қилиб айтганда, умуман, мавҳум фалсафа йўқ. Демак, фалсафа миллий асосга эга эмас, “миллий замин” тушунчасини фалсафага ишлатиш мумкин эмас дейиш тарих ҳақиқатига тўғри келмайди. Худди инсоният маданияти миллий маданиятлар эришган энг йирик ютуқларнинг мажмуаси сифатида намоён бўлганидек, жаҳон фалсафаси ҳам шу тамойилга бўйсунди. Бундай қиёслашни шу боисдан ҳам ўринли дейиш мумкинки, фалсафанинг ўзи инсоният маданиятининг муҳим соҳаларидан бири деб тан олинади.

Юқоридаги хулосаларга таянган ҳолда ўзбек фалсафаси борми ва бўлиши мумкинми деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз. XX асрнинг 60 йилларидан то мустақилликкача фалсафа сахнасига чиққан юздан ортиқ фалсафа фанлари докторлари истибдод маркази белгилаб берган дастурлар атрофида фикр юритиб, шу илмий қафас ичида мулоҳаза олиб бордилар, чунки миллий фалсафа тўғрисида гап очиш мумкин эмас эди. Бу ҳаммамизга маълумдир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳам Ўзбекистон фалсафасига хизмат қилаётган олимларнинг аксарияти истибдод даври фалсафасининг кўп йиллар давомида тарғиботчиси ва ташвиқотчиси бўлганлар.

Бугунги кунда миллий заминимизда “Авесто”дан бошланиб, Зардушт томонидан бир бутун тизим ҳолига келтирилиб, Моний ва Маздаклар томонидан давом эттирилган, Форобий, Ибн Сино ва Беруний асарларида ўзининг юксак чўққиларидан бирига кўтарилган, Навоий, Машраб, Ахмад

Донишлар орқали Бехбудий ва Фитратларгача етиб келган ўзбек миллий фалсафасининг бир бутун силсиласини юзага келтириш зарур. Бу – ўзбек миллати олдида ва умуман, жаҳон фалсафаси олдидаги муқаддас бурчдир.

Масалан, Алишер Навоийни олиб кўрайлик. Навоийнинг фалсафий ва маънавий меросига нисбатан кенгроқ тўхталишимиз сабаби шундаки, бу зот ҳозирги замонимизнинг маънавий-ахлоқий эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқ бўлган фалсафий фикрларни XV асрдан туриб бизга етказиб берган. Бугунги кунда шоирнинг олам ва унинг моҳияти, инсон ва инсон ҳаёти, халқ ва халқпарварлик, комиллик ва комил инсон, муҳаббат ва гўзаллик тўғрисидаги ўзбекона фалсафаси инсоният онги ва тафаккурида доимо яшаб келмоқда.

Айнан ана шу бобокалонларимизнинг ўлмас даҳоси, бизга қолдирган фахру ғуруримиз бўлган буюк маънавий ва фалсафий мероси бугунги авлодларни ҳамкор ва ҳамжихат бўлиб яшашга, ҳаётимизни ғоят теран маъно-мазмун билан тўлдиришга, керак бўлса, бойитишга даъват этмоқда. Айнан ана шу мерос бизни дўстлик ва қариндошлик ришталарини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, халқларимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини биргаликда барпо этишга ундамоқда.

Навоий илм-фанни севишни, чуқур инсонийлик, милатпарварлик, миллатлараро дўстлик ва эзгуликни ягона ўзбекона фалсафий тизимда куйлайди-ки, бу унинг маънавий меросини тарихий ўлмаслигини таъминлайди. “Назму-л-жавоҳир”, “Муножот”, “Маҳбуб-ул-қулуб”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” сингари асарларида улуғ адиб ўзигача мавжуд барча илоҳий, илмий-адабий илмларни чуқур ўрганиб теран фикр, озод рух, мустаҳкам иймон, туйғулар нафосати ва ниҳоят, муқаррам ва улуғвор ўзбек(турк) сўзининг қудратини намоён этган.

Тарихчи Хондамирнинг таъкидлашича, Навоий илм аҳллариغا катта эътибор бериб, талабаларнинг тинч, бемалол илм олишлари учун уларга нафақалар белгилаб, мадраса ва хонақоҳлар бино қилади. Булардан: мадрасаи “Ихлосия”, хонақоҳи “Халосия”, мадрасаи “Шифоия”, мадрасаи “Низомия”,

мадрасаи “Хумровия” кабилар Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарида санаб ўтилган. Айниқса, “Ихлосия” мадрасаси билан “Холосия” хонақоҳи бино қилинган замонлардан то шу кунга қадар, - деб ёзган эди Хондамир, - йигирма икки йил муддат ичида дунёнинг ҳар тарафидан ва ҳар бурчагидан бу икки жойга минглаб талабалар келиб, оз фурсатда турли илм ва фанларни ўрганишга муваффақ бўлиб, олқишлар ва макташлар билан ўз ватанларига қайтганлар.

Алишер Навоий улуғ маърифатпарвар шоир бўлиб, у инсоннинг ақл-заковатини юксак баҳолайди, уни илм-фан жамият тараққиёти ва халқнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда, ҳаёт иллатларини бартараф этишга хизмат қилувчи қудратли восита деб ҳисоблайди. Навоий нафақат буюк шоир, маърифатпарвар шахс, айтиб беришда у йирик давлат арбоби, бугунги кунда ҳам унинг олиб борган давлатни бошқаришдаги адолатли сиёсати беҳад аҳамиятлидир. Навоий инсон ҳаётидаги барча қийин муаммоларни илм йўли билан ҳал этишга чақиради ва бу чақирик учун олиму донишлар пиллапоясининг энг юқори чўққисига олиб чиқди. Эътибор берилса, мутафаккир ҳар бир асарида инсонни улуғлаб, уни инсонийлик фазилатларини эгаллашга чақиради. Шунинг учун ҳам унинг маънавий ва фалсафий меросининг асосини “Одами эрсанг, демагил одами, оники йўқ халқ ғамидин ғами” ташкил этади. Ўрта асрларнинг XV асрларида янграган бу сўзлар ҳозир ҳам ҳаётини панд-насиҳат сифатида одамлар қалбидан жой олган. Буларнинг барчаси ўзбек миллий фалсафасининг асосини ташкил қилади.

Навоийнинг миллий фалсафасида адолатли бўлиш ғояси ватанпарварлик билан уйғунлашиб кетган. Буюк мутафаккир Ватанни севишга, унинг тупроғи, ери, суви, табиати ва бойликларини авайлаб-асраб, инсон манфаатлари учун фойдаланиш зарур деган қонидани тарғиб қилади. Демак, фалсафа кмшиларни энг аввало фалсафани ўргатувчидан юксак маънавий-маърифий камолот даражасига кўтарилишини талаб қилади. Шунингдек, мутафаккирнинг таъкидлашича, фалсафани эгаллашнинг энг

асосий воситаси назарий ақл орқали олинадиган илмлар бўлиб, у маърифий ҳаётнинг сарчашмасидир.

Бобораҳим Машраб (1640-1711) ўзининг кейинги ҳаётида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг кўп жойларида, хусусан, Тошкент, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Хўжанд, Бадахшон ва бошқа ерларда бўлади. У умрининг охирида Балхда бўлади.

Машраб ғазал ва рубоийларида илоҳий севги, яъни Оллоҳга муҳаббатни тасвирлайди. Машраб тасаввуфнинг каландарлик тариқатини танлайди, халқни эзгуликка, инсоф ва диёнатга, тўғрилиқка чақиради. Умуман олганда, шоир ислом ақидаларини инкор этмагани ҳолда, унинг баъзи қоидалари мукаддаслигига гумонсираб қарайди. Булар айниқса, Машрабнинг рўза, жаннат, дўзах, намоз, Макка, Каъба тўғрисидаги шеърларида намоён бўлади.

Машрабнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашларида ҳукмдорларни инсофга, халққа ёрдам беришга даъват этиш ётади. Инсонийлик, пок муҳаббатни куйлаш, кишиларни дўстликка, вафодорликка чақириш, такаббурлик ва ёлғон сўзлашдан сақланиш, насл-насабга ишонмаслик, имон-этиқодини сотмаслик, ота-онани ҳурмат қилиш каби ғоялар Машраб дунёқарашининг мағзини ташкил қилади.

Машраб борлиқнинг асоси, ҳаётнинг мазмуни, инсонни Худога боғловчи асосий восита деб ишқни тушунади. Унингча, Худонингдунёни яратишига асосий сабаб булган нарса муҳаббатдир. Шу сабабдан, инсон хирсу очкўзлик, ҳайвоний сифатлар. манманлик, худбинлик каби хислатлардан покланиш учун, ўз асли – илоҳий ишққа юз тутиши лозим. Акс ҳолда, у инсонийлигини йўқотиб, тубанлашиб кетиши муқаррар.

Машраб мураккаб, қарама-қаршиликларга бой даврда яшади. Бу ҳол унинг дунёқарашида ҳам билиниб туради. У, бир тарафдан, адолатли жамият, инсоннинг гўзал фазилатлари ҳақида фикр юритса, иккинчи томондан, яхши жамиятга эришиб бўлмаслиги ҳақида гапириб, умидсизликка, таркидунёчиликка берилади. Булардан қатъи назар, унинг ажойиб шеърлари

ва ундаги ғоялар ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Маърифатпарварлик мафкурасининг кўзга кўринган вакилларида бири Аҳмад Дониш (1827—1897) бўлиб, у фалсафа, фалакиёт, риёзиёт, адабиёт, тарих соҳасида асарлар ёзган.

У мамлакатни одилонга бошқариш учун ислохот зарурлигини уқтиради. Давлат, олимнинг нуқтаи назарича, халқнинг манфаатини ҳимоя қилиши, ҳукмдор эса билимдон, ақлли бўлиб, ўз атрофидагилар билан кенгашиб давлатни идора қилиши лозим. Бундай фикрлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар олимнинг “Наводирул-вақое” ва бошқа рисолаларида ўз ифодасини топган. Аҳмад Дониш ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини реал фактлар ўз даврининг ҳукмдорлари фаолиятдан олинган тарихий далиллар асосида баён қилган. “Рисола дар илми курра” (“Глобус ҳақида рисола”), “Манозир ал-кавокиб” (“Юлдузларни кузатиш”) каби асарларида ўзининг астрономия ва география фанлари га оид қарашларини ёритиб беришга ҳаракат қилган. “Тарихий рисола” асарида Бухоро амирлигидаги инқирознинг сабабларини таҳлил қилиб, жамият тараққиётининг асосий шартини тадрижий, босқичма-босқич амалга ошириладиган ислоқотларни қаётга жорий қилиш эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилади. Донишманднинг бу фикри ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Мазкур силсила XX асрнинг 30-йилларига келиб узилади, чунки Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Боту, Сўфизода, Усмон Носир сингари юзлаб зиёлилар миллий фикр, миллий ўзлик, миллий тафаккурнинг истиқболли вакиллари бўлганликлари учун мустабид тузум уларни халқ душмани сифатида қатағон қилинади. Шулардан бири Маҳмудхўжа Бҳбудийдир.

Маҳмудхўжа Бҳбудий (1875-1919) жадидчилик асосчиларидан бири бўлиб, янги мактаблар қуриш, ёш авлодни мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларни илмли қилиш, маърифат ва тараққиёт учун курашга катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Бҳбудий янги мактаблар учун “Рисолайи асбоби савод”, “Рисолайи

жуғрофияи умроний”, “Китобат ул-атфол”, “Амалиёти ислом”, “Рисолаи жуғрофияи русий” ва бошқа дарсликларни ёзади. Унинг асосий асари “Падаркуш” драмасидир. Булардан ташқари, Бехбудий кўплаб публицистик мақолалар ёзди, матбуотда хизмат қилди, нашр ишлари билан машғул бўлди. Унинг мақолаларида миллат ва Ватан тақдири, мустақдллик ғояси, ахлоқ ва таълим-тарбия каби бошқа масалалар ҳам ўрин олган.

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Абдулла Авлонийнинг (1878-1934) фалсафий меросига назар ташлайлик. Унинг адабий ва илмий мероси ниҳоятда бой бўлиб, фалсафа, ахлоқшунослик, педагогика ва бошқа соҳаларни қамраб олади. У “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Тарихи анбиё”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони” каби асарларида ўзининг таълим-тарбия борасидаги фикрларини баён этади.

Адибнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” дарсликларидан келтирилган ихчам ҳикоялар, “Тарихи анбиё”сидаги маълумотлар ёш авлод тарбияси учун катта аҳамиятга эга. Абдулла Авлонийнинг “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим”, “Тарихи анбиё”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Мактаб гулистони” сингари дарсликлари ўз даврида бир неча бор босилиб чиқди ҳамда бу дарсликлар ўша даврда очилган Туркистоннинг кўплаб мактаблари учун муҳим қўлланма бўлди.

Алломаннинг “Биринчи муаллим” (1912) китоби унинг кўп йиллик ижодий ишлари ва педагогик фаолияти натижасида яратилган бўлиб, китобнинг кириш қисмида “Муҳтарам муаллим афандиларимиздан рижо қилурманки, бизнинг “Биринчи муаллим”имиздан ҳам олуб, тажриба қилуб, ўқуб кўрсалар. Чунки ҳар гулнинг бир иси, ҳар бир меванинг бир таъм ва мазаси бордур. Бу “бўй” ва таъм эса тажриба соҳибларина кашф ва маълум эрур. Шояд, миллат болаларина фоидабахш ўлур умидинда бир неча сўнгидан бу рисолаи ожизонамни “Биринчи муаллим” исми-ла майдони интишора қўйдим - деган фикрларни ёзади.

Авлонийнинг “Иккинчи муаллим” китоби “Биринчи муаллим”



китобнинг узвий давоми бўлиб уни ўқиш, хрестоматия деб аташ мумкин. Мазкур хрестоматия содда, тушунарли тилда ёзилган кичик-кичик ҳикоялар, бандлар ва шеърлардан иборат. Муаллифнинг ўзи ҳам “Биринчи мактабларимизнинг шогирдларина алифбодан сўнг ўқутмак учун очуқ тил ва осон таркиб ила ёзилуб, ахлоқий ҳикоялар, адабий шеърлар ила зийнатланмуш ўқув китобидир – дейди.

Шунингдек, 1913 йилда босмадан чиққан “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига атаб ёзилган бўлса-да, у адабиёт ва ахлоқ масалалари билан шуғулланувчилар учун ҳам зарур қўлланма сифатида хизмат қилади. Мазкур асарда ахлоқнинг туб моҳияти инсонларни яхшиликка чорловчи, ёмонликни рад этувчи илм эканлиги ҳақидаги маълумотлар берилган.

“Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ақл ва илмни маънавий-ахлоқий оламнинг адиб томонидан эҳтирос билан улуғланиши унинг маърифатчилик ғояларининг мазмунидан келиб чиқади. Муаллифнинг фикрича, ақл инсонларнинг пири комили, муршиди ягонасидир. Ушбу рисолада ёзувчи асосий эътиборни ақл, илм, зийраклик, виждон, ватан туйғуси, тил, ҳақиқат, ҳаё, ифбат, муҳаббат, муносилик каби ижобий хислатларни шакллантиришга, шунингдек, жаҳолат, ғазаб, дангасалик, ялқовлик, ғийбат, ҳасад каби иллатлардан халос бўлишга қаратади.

Муаллиф бу фазилатларни шунчаки кўрсатиб ўтмайди, балки аниқ ҳаётий, амалий аҳамияти устида ҳам тўхталиб ўтади. Уни инсонни камолотга етказишда асосий омил сифатида эътироф этади, шунингдек, санаб ўтилган иллатлар эса инсонни ижтимоий тараққиётда издан чиқишига сабаб бўладиган омил деб аниқ фикр билдиради.

Аллома ўз даврининг долзарб муаммоларини инобатга олган ҳолда “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида баркамол инсонни тарбиялашда “Бадан тарбияси”, “Фикр тарбияси”, “Ахлоқ тарбияси”га жиддий эътибор қаратади, баркамол инсон эгаллаши лизим бўлган фазилатлар тизимини яратади. Авлонийнинг таъкидлашича, “Ичкилик, кўкнор, наша, афюн, тарёк,

чилиш, нос, попирус каби баданнинг саломатлигига зарарли егулик, баъзиси харом, баъзиси макрух, баъзи исроф бўлган нарсалардан қочмоқ, сақланмоқ шариат, ақл, ҳикмат юзасидан лозумдир”, шунингдек, олим “Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилинуб келган муаллимларнинг диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур. Фикр инсоннинг шарофатлик, ғайратлик бўлишига сабаб бўладур” дейди. Шу билан бирга ахлоқий тарбияга таъриф берганда асосий эътиборни инсон феъли ва хайратлари, майллари: бахт майли, фаолият майли, иззат-нафс, алофа майли, бошқаларга меҳр-муҳаббат майли, ибрат олиб эътиборда бўлиш майли, билиш майли, гўзаллик майли, фазилатга муҳаббат, ирода ва ихтиёр кабиларга қаратади.

Авлонийнинг Октябрь инқилобигача бўлган поэтик мероси, асосан “Адабиёт” номли олти қисмдан иборат шеърий тўпламларида жамланган. Уларнинг ҳар бири 1909-1917 йиллар оралиғида алоҳида-алоҳида бир неча маротаба нашр қилинган. Шоирнинг бу даврда ёзилган барча шеърлари миллий-ижтимоий характерга эга эканлигининг ўзи ўзбек миллий фалсафаси асосини ташкил қилади.

Абдулла Авлоний драматургия соҳасида ҳам бир қатор асарлар яратган. “Финак” (1915), “Адвокатлик осонми?” (1916), “Икки муҳаббат” (1916) сингари пьесалар шулар жумласидандир. Бу асарларда муаллиф билимсизлик, кишиларнинг жаҳолат ва нодонлик ботқоғига борувчи оғир қисмати талқин қилинади. Шунини алоҳида таъкиллаш керакки, Авлоний ёзган пьесалари замирида оила ҳаётини тасвирлаш билан инсон қалбига кириб бориш, уларни маънавий-маърифий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ҳамда жамият ҳаётида авж олиб бораётган миллий уйғониш ғояларини тараннум этиш бўлган.

Педагог олим Абдулла Авлоний асарларини ўрганишнинг фалсафий методологик асосини у томонидан қўлланилган тарбиянинг назарий жиҳатларига таяниб қолмасдан, балки унинг ҳар бир ўғит ва насиҳатларини далиллар, ҳаётий мисоллар ёрдамида мустаҳкамлаш орқали ёш авлод онгида

ушбу фикрларнинг узоқ сақланишини таъминлашдан иборат бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мутафаккир олим ўзининг барча асарларида таълим-тарбия, яъни баркамол шахс томонидан ўзлаштириши зарур бўлган қуйидаги: ақлий камолот, ахлоқий камолот, жисмоний етуклик ва гўзалликни ҳис этиш каби сифатларни ёритган.

Жадидчилик ҳаракатининг яна бир ёрқин вакили Абдурауф Фитрат (1884-1939) бўлиб, илмнинг кўп соҳаларида ижод қилган мутафаккирдир. Олим “Сайҳа” (“Бонг”), “Ҳинд сайёҳининг қиссаси”, “Учқун” тўплами, “Чин севиш”, “Ҳинд истилочилари”, “Ўзбек тили грамматикаси”, “Чиғатой адабиёти” ва бошқа кўплаб асарлар ёзди.

Фитратнинг асарларида халқни жаҳолат ва нодонликдан қутқизиш, илм-маърифатга чорлаш, миллий мустақилликка эришиш, халқнинг ўзлигини таниши, онгининг ўсиши, кучли ва ривожланган давлат тузиш, халқнинг билимдон булиб, тижорат ва тадбиркорлик билан шуғулланиши, Европанинг фан ва техника ютуқларини ўрганиш каби ғоялар илгари сурилади. “Чин севиш” асарида бир қатор долзарб ижтимоий-сиёсий масалаларни кўтариб чиқди. Булардан ташқари, тасаввуф таълимотининг моҳияти, яссавийлик, нақшбандийлик, кубравийлик таълимоти тўғрисида қатор илмий мақолалар эълон қилади. Мумтоз қўшиқчилик санъати ҳамда “Шашмақом”дек ноёб дурдонанинг бизнинг давримизгача омон-эсон етибкелишида Фитратнинг ҳиссаси беқиёс. Унинг раҳбарлигида “Шашмақом” мусиқа тарихида илк бора нотага туширилди. Фитрат адабиётшуносликда ҳам улкан хизматларни бажарди, навоийшуносликнинг биринчи намояндаларидан бири сифатида эътироф этилади. Унинг юқоридаги миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилган ғоялари ҳозир ҳам тадбиркорлик, маънавият ва маърифатни раванқоптиришда, миллий ғоя ва мафқурани шакллантиришда, халқнинг ўзлигини англашида муҳим аҳамиятга эга.

Хуллас, бугунги кунда ўзбек фалсафасига эътиборни қаратиш шундан далолат берадики, у бизнинг давримизгача узлуксиз равишда маданият, инсон тафаккурива ақл-заковатининг юксалишида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Лекин мустабид тузум даврида ижтимоий-фалсафий фикр тарихига биртомонлама, синфий нуктаи назардан ёндашилди, фақат коммунистик партия мафкураси талабларига тўғри келадиган ғоя ва фикрларга эътибор берилди. 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришидан сўнг аста-секин ўтмиш маънавияти, фалсафий фикр ўрнини марксча-ленинча мафкура эгаллай бошлади. Олий ўқув юртлари, кенг халқ оммаси орасида диалектик ва тарихий материализм ва илмий атеизм тарғиб қилинди, уларга тўғри келмайдиган таълимотлар қаттиқ танқид остига олинди. Энг ачинарлиси шуки, ўз миллий маданияти, урф-одатива анъаналарига содиқ бўлган, уларни сақлаб қолишга интилган зиёлилар, шоир ва ёзувчилар қувғинга учраб, катагон қилинди. Лекин юқоридан бўлган тазйиқларга қарамай, маданий-маънавий ва ижтимоий-фалсафий меросимизни ўрганиш, тадқиқ қилиш тамоман тўхтаб қолмади. Ўтган асрнинг 60-70-йилларда И.М. Мўминов, В. Зоҳидовларнинг ижтимоий-фалсафий фикр тарихи бўйича тадқиқотлари катта аҳамиятга эга бўлди. Улар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Али Қушчи, Мирзо Бедил ва бошқаларнинг фалсафий дунёқарашини тадқиқ қилдилар.

Ўзбекистонда биринчи бўлиб, 1946 йилда Воҳид Зоҳидов, иккинчи бўлиб 1950 йилда Иброҳим Мўминов фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олишган бўлсалар-да, фалсафа фанининг илк қалдирғочларининг фикрлари ҳам чеклаб қўйилган эди. Шунинг учун улар ўзбек фалсафаси борми ёки йўқми деган саволни очиқ қўйиш имкониятидан маҳрум эдилар.

Воҳид Зоҳидов ва Иброҳим Мўминов шахсларидан бошланган фалсафани мустабид тузум ўзига мослаштирган ва кўп жиҳатдан ўз миллий илдизларидан мажбуран узилган фалсафа эди.

Миллий фалсафа ҳақида масаланинг бундай қўйилишининг ҳеч қандай ғайриилмий ёки ғайриижтимоий томони йўқ. Чунки, Ўрта Осиё – инсониятнинг шарқдаги илк маданият марказларидан бири бўлган. Хитой ёки Ҳиндистон каби қадимий даврлардан ўзбекнинг ўз фалсафий мактаблари, йўналишлари ва таълимотлари бўлган. Уларни изчиллик билан ва сабр-тоқат

билан ўрганиб, бир тизимга келтириш ва шу асосда жаҳон фалсафасига “Ўзбек миллий фалсафаси” деган тушунчани киритиш мақсадга мувофиқдир. “Ўзбек миллий мактаби” ҳақида сўз юритганда, у Ўрта Осиё халқлари фалсафасининг таркибий қисми эканлиги диққат доирасидан четда қолмаслиги зарур.

Ўрта Осиё фалсафаси ва биринчи навбатда ўзбек фалсафаси ўтмишда жиддий камситилган. Чунки, ўзбек фалсафасининг ниҳоятда муҳим қисми – диний фалсафа етмиш йилдан ортиқ давр ичида тўла равишда инкор этилди. Мустабид тузумнинг асосий ақидаларидан бири бўлган “дин халқ учун афюндир” деган таъриф асосида бу соҳани тадқиқ этиш таъқиқланган. Диний муносабатлар Зардуштийликда қадимдан мавжуд бўлган. Ислом дини миллий ҳудудимизга кириб келгандан сўнги ўн икки-ўн уч аср давомида эса ислом динини асослайдиган марказга айланади. Аҳмад ал-Бухорий, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд ва уларнинг сафдошлари, тенгдошлари, Юзлаб ва минглаб шогирдлари ижодини ўрганиш ўзбек фалсафаси нақадар бой ва ранг-баранг истеъдод эгаларига эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбек фалсафаси бизнинг буюк боболаримиз асарлари ва ютуқларининг тарихий бутун дунёвий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, айни вақтда ўз миллий онги ва ғурурини улар амалга оширган ишлар оргига яширмаган ҳолда, шуни таъкидлай оладикки, умуминсоний кадриятлар устиворлиги ҳеч бир алоҳида миллатга, ҳеч бир алоҳида жаҳон минтақсига, Шарққа ҳам Ғарбга ҳам, Шимол ва Жанубга ҳам қарашли ҳисобланмайди. Умуминсоний кадриятларни яратишда Шимол ҳам, Жануб ҳам, Шарқу Ғарб ҳам, яъни у ёки бу даражада дунёдаги барча халқлар ва миллатлар, шу жумладан ўзбеклар ҳам иштирок этганлар.

Бугунги кунда яратилиши мумкин бўлган ўзбек фалсафасининг икки қаноти бўлиши унинг икки парвозини таъмин этади. Биринчидан, илмий-табиий тадқиқотлар билан шуғулланувчи файласуфлар. Улар жаҳонда биринчи бўлиб, Ернинг думалоқ эканлигини, Атлантика океани ортида

юошқа қитъа бор эканлигини қайд этдилар, формакологиядан тортиб то геология, астрономия каби фанларгача янги туртки бердилар, инсонни даволашнинг бутун бир қомусий маълумотномасини яратиб, Овропа халқларининг кўпайишига йўл очиб бердилар. IX-XV асрлар оралиғида, Овропа ўрта асрлар инквизацияси чангилида бўлган даврда, уларнинг университетларида ёшлар Алфраганус (ал-Фарғоний)нинг, Алгоритм (ал-Хоразмий)нинг, Авиценна (Ибн Сини)нинг китоблари, Ал-Жабр (Алгебра), хандаса (геометрия), тиббиёт ва дориворлик бўйича кундалик қўлланма ва дарсликлар бўлиб хизмат қилди. XV асрнинг охиридан бошлаб европаликлар океан мухити ва қаърига кўркмасдан чиқа бошлаган бўлсалар, бунинг сабаби шундан иборатки, бизнинг аجدодларимизнинг асарлари уларга раҳнамо бўлиб, европаликларнинг кўпайиши, саводли бўлиши ва океанларни забт этувчи бўлиб етишишига дастак ва таянч бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек халқи ўз маданий бойликлари билан жаҳон маданий таракқиётига салмоқли ҳисса қўшганлиги эътироф этилган. Ўзбек халқининг маданий меросини чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш ва кенг ёритиш – керакли, зарурий, фойдали ва шарт бўлган ишлардандир.

Ўзбек миллий фалсафасининг иккинчи қаноти – диний фалсафадир. Бу фалсафанинг оламшумул аҳамияти шундан иборатки, унда инсон, жамият, ахлоқ, инсон ва жамият муносабатлари, инсон ва ахлоқ масалалари ниҳоятда чуқур ва кенг қамровда таҳлил қилинган. Жумладан, Зардуштийликнинг муқаллас китоби бўлган “Авесто”да инсон улуғланиб, осмонга кўтарилган. Унинг ақллилигига ҳамду санолар ўқилган. Буюк каломда инсонга бебаҳо наъматлар ато қилинганлиги зикр этилади. “Авесто”да инсон улуғланар экан, шарафланар экан, бунинг бойиси, уларда инсонийлик фазилатларининг жамланганлигидир.

Диний фалсафани жиддий ўрганишдан мақсад унга кўр-кўрона содик бўлиш эмас, балки, диний фалсафани тарғиб этган назарий ва амалий жиҳатларни замонга татбиқ этишдир. Ўзбекистонни давримизнинг ривожланган мамлакатлардан бирига айлантириш каби олий жаноб

мақсадларга хизмат қилишдир.

Юқорида зикр этилган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқадики, бугунги кунда ўзбек фалсафаси очилмаган кўриқ, унинг назарий дурдоналарини миллатнинг ва инсониятнинг умумий бойлигига айлантириш Ўзбекистон файласуфларининг муқаддас бурчидир.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбек фалсафаси деганда нимани тушунасиборми?
2. Шарқдаги илк маданият марказларидан бири ҳақида гапириб беринг.
3. Ўзбек фалсафасининг икки қаноти деганда нимани тушунасиб.
4. Ўзбек фалсафаси ўтмишда нима учун камситилган.
5. Ўзбек фалсафасининг иккинчи қаноти ҳақида гапириб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – провард мақсадимиздир. 8-китоб. –Т.: Ўзбекистон. 2000. Б- 510
2. Хоназаров Қ. Ўзбек фалсафаси борми? Мулоқот журнали. 2001. № 3. –Б. 3
3. Шермухаммедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. –Т.: Фан. 2005. –Б. 5
4. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 2-жилд. –Т.: Маънавият. 2006. –Б. 6, 9, 50
5. Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. –Б. 40-41

### **Мавзу юзасидан тестлар**

<b>№</b>	<b>Тест топшириғи</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Муқобил жавоб</b>	<b>Муқобил жавоб</b>	<b>Муқобил жавоб</b>	<b>Мавзу</b>
1	XX асрнинг 60-йилларидан то мустақилликгача бўлган фалсафа	*Мустабид тузум фалсафаси	Совет фалсафа си	Тақиқланган фалсафа	Ёпиқ фалсафа	1-мавзу
2	Ўзбек миллати олдида ва умуман, жаҳон фалсафаси олдидаги муқаддас бурч	*Ўзбек фалсафасини тарихий илдишларини топиш	Жаҳон фалсафа сига кўшилиши ни таъминлаш	Маданий меросимизни субъектив баҳолаш	Фалсафани давомиланини таъминлаш	1-мавзу

	нимадан иборат					
3	. “Назму-л-жавоҳир”, “Муножот”, “Маҳбуб-ул-кулуб”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” каби асарлар кимга тегишли	*Алишер Навоийга	Низомийга	Абдурахмон Жомийга	Юсуф Хос Хожибга	1-мавзу
4	Навоий илм аҳллариға катта эътибор берганлиги, талабалар учун нафақалар белгилаганлиги тўғрисида ким маълумот қолдирган.	*Хондамир	Виаткин	Низомиддин Шомий	Лутфий	1-мавзу
5	“Макорим ул-ахлоқ” асари муаллифи ким?	*Хондамир	Низомиддин Шомий	Виаткин	Лутфий	1-мавзу
6	“Одами эрсанг, демагил одами, оники йўқ халқ ғамидин ғами” сўзлари кимга тегишли	*А.Навоий	Лутфий	Низомиддин Шомий	А.Жомий	1-мавзу
7	Навоийнинг фикрича фалсафани эгаллашнинг энг асосий воситаси бу...	*Назарий ақл орқали олинадиган илмлар	Амалий ақл орқали олинадиган илмлар	Мантиқий ақл орқали олинадиган илмлар	Илмий ақл орқали олинадиган илмлар	1-мавзу
8	Бобораҳим Машраб қаерда вафот этган?	*Балх	Урганч	Хуросон	Нишопур	1-мавзу
9	Машраб тасаввуфнинг..... тариқатини танлайди	*Қаландарлик	Ашария	Нақшбандия	Кубровия	1-мавзу
10	....ҳаётнинг мазмуни, инсонни Худога боғловчи асосий восита деб ишқни тушунади	*Машраб	Навоий	Муқимий	Сўфи Оллоёр	1-мавзу



## 2-МАВЗУ: Глобаллашув шароитида янгича тафаккур шаклланишини ривожлантириш зарурати (2 соат)

### Режа:

1. Глобаллашув шароитида янгича тафаккурнинг зарурлиги.
2. Янгича тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий омиллари.
3. Янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий менталитет.

*Калит сўзлар:* глобаллашув, интеграциялашув, янгича тафаккур, фундаментал, глобал муаммолар, менталитет, миллий менталитет, маънавий салоҳият, таҳлил кучи, ақлий қобилият ва руҳий қувват.

1970-йиллардан глобаллашув ўз ривожланишининг янги босқичига кўтарилди ва серқирра тус олди. Дунё миқёсидаги таҳдидлар ва глобаллашув жараёнларини аҳолининг кенг қатламлари англаб етиши, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ва унга мос келувчи қадриятларга муносабат, маданият, турмуш тарзининг шаклланиши мазкур босқичга хос хусусият ҳисобланади. Айни шу даврда ахборот-технология инқилобининг ривожланиши жадаллашди, миф, дин, фалсафа, фан, экология билан бир қаторда глобал онг ижтимоий онгнинг яна бир шакли сифатида пайдо бўлди.

Глобаллашув жараёнларини назарий жиҳатдан англаб етиш ва глобал муаммоларни бартараф этиш нафақат ўта оғир ва узоқ давом этадиган, балки кутилган натижаларгақандай эришиш мумкинлиги хусусида ҳали аниқ жавоблар ва узил-кесил ечимларга эга бўлмаган ишдир. Айни вақтда аксарият тадқиқотчилар глобал тангликларни бартараф этиш имкониятини оммавий онгда янгича ахлоқнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши, маданиятнинг ривожланиши ва унинг инсонпарварлашуви билан

боғламоқдалар. Бунинг учун жиддий асослар бор, зеро одамларнинг феъл атвори, хатти-ҳаракатлари, пировард натижада эса улар эришишга ҳаракат қиладиган натижа асосан уларнинг ҳаётга муносабати ва фикрлаш тарзи билан белгиланади. Айни вақтда асрлар мобайнида сақланиб қолаётган дунё ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириш, қотиб қолган тафаккур андозаларини бартараф этиш ва одамлар онгида инсонийликнинг янгича тамойилларини шакллантиришнинг ўзи умуминсоний муаммолар ечими эмаслиги ҳам равшан. Бу мазкур муаммоларни бартараф этиш йўлидаги зарур, лекин фақат биринчи қадам ва у муттасил ўзгарувчи вазиятга мосбўлган ва ҳозирги давр руҳини аниқ акс эттирадиган тафаккурнинг шаклланиши билан боғлиқ. Бундай янгиланган тафаккур замирида фақат сўнгги юз йилликка хос бўлган жамият ҳаёти интернационаллашувининг кескин ўсиши билан белгиланадиган ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмуни ва шакл-шамойилларини акс эттирувчи янгича инсонийлик ётиши лозим. Мазкур янгича инсонийлик глобал онгни шакллантиришга қаратилиши ва камида уч асосий негиз: глобаллик туйғуси, зўравонликка нисбатан муросасизлик ва инсоннинг асосий ҳуқуқларини тан олишдан келиб чиқадиган адолатпарварликни ўз ичига олиши даркор.

Глобаллашувнинг навбатдаги босқичи дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борлиққа айланди. Ечилмаган зиддиятлар ва умумий боғлиқликнинг кучайиши инсоният тарихидаги энг катта ва давомли уруш – Иккинчи жаҳон уруши бошланишига олиб келди. Бу сафар дунё миқёсидаги урушда Ер аҳолисининг тўртдан уч қисми иштирок этди, Биринчи жаҳон урушига қараганда бир неча барабар кўпроқ қурбонлар берилди.

Дунё миқёсидаги жараёнларнинг глобаллашуви нуқтаи назаридан бу

урушларнинг иккаласи ҳам амалда айна бир глобал урушнинг турли босқичлари эди. Уларнинг ўртасидаги фарқ фақат миқдор кўрсаткичларида кўринади. Моҳият эътибори билан, иккала уруш ҳам айна бир масалаларни ечиш – XX аср бошида бўлиб олинган, яхлит ва ўзаро боғланган дунёни қайта бўлиб олишга қаратилган эди. Уруш олиб бориш усуллари ҳам деярли бир эди, фарқи эса, техник жиҳозланиш даражаси ва миқёси Иккинчи жаҳон урушида бир неча баравар юқори, мафкуравий таъсир эса аввалги урушда ё мавжуд бўлмаган радио, телефон, ё ҳали яхши ривожланмаган авиация, денгиз, темир йўл, автомобиль транспорти алоқа ва коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш билан кўп қарра кучайтирилишида намоён бўлди.

Глобал (умумбашарий) муаммолар – бу шундай муаммоларки, улар ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, бутун инсониятнинг манфаатларига даҳл қилади, унинг келажагига хавф солади ҳамда улар бутун халқаро ҳамжамиятнинг иштироки билангина ҳал этилиши мумкин. Глобал муаммолар XX аср маҳсулидир ва уларнинг пайдо бўлиши инсон фаолияти билан боғлиқ. Глобал муаммолар пайдо бўлишининг сабаби инсон фаолияти билан бугунги табиатдаги ва жамиятдаги аҳвол ўртасидаги қарама-қаршиликнинг ўсиб боришидир. Глобал муаммолар у ёки бу даражада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий нуқтаи-назардан илмий таҳлил этилган. Айна вақтда давримизнинг умумбашарий муаммоларининг фалсафий талқини ҳам илмий адабиётларда ўз ифодасини топмоқда ва бу “глобал муаммолар фалсафаси” деб номланувчи фалсафий фан тармоғи вужудга келишига олиб келди.

Янгича тафаккурнинг бугунги кундаги зарурияти нафақат инсоннинг азалий муаммолари ва ғам-ташвишларини, балки унингсўнгги йилларда фан-техника тараққиёти таъсирида тобора жадалроқ суръатларда, шужумладан дунё миқёсидаўзгараётган реалҳаёти кундалик амалиётини ҳам акс эттиради. Шу муносабатбилан юзага келаётганянги ҳодисалар, ғайриоддий кийинчиликлар ва алоҳида шароитлар олимларнинг ҳам, файласуфларнинг

хамъэтиборинитортмоқда. Бундай фалсафанинг фандан устунлиги шундаки – у ўз хулосаларида тафсилотлар ва муайян далилларга маҳкам ёпишиб олмайди, айрим, узук-юлуқ ва ўткинчи нарсаларни осонгина четлаб ўтадики, бу унга асосий эътиборни ишнинг моҳиятига қаратиш, ривожланишнинг энг муҳим омиллари ва асосий жараёнларини қайд этиш имконини беради.

Янгича тафаккурнинг мазкур фазилатлари инсоннинг ижтимоий муносабатлар тизимида ёки “жамият-табиат” тизимида юзага келаётган мураккаб, комплекс вазибаларни ҳал қилишга мажбур бўлаётган ҳозирги шароитларда алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан янгича тафаккур муҳим нарсаларни иккинчи даражали нарсалардан, қонуний нарсаларни тасодифий нарсалардан фарқлаш, тарихий ривожланишда объектив жараёнларнинг субъектив омиллардан фарқи каби усуллари ва методлари ва ҳозирги вақтда инсоният дуч келган оламшумул муаммоларни назарий англаб этиш ва амалда бартараф этиш учун айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон ҳамжамияти ўз ривожланишининг янги босқичига қадам кўйгани, у аввалги босқичлардан нафақат ўзгаришлар миқёси, балки фаоллик даражаси ва универсал хусусияти билан ҳам фарқ қилиши аён бўлди. Бу ўзгаришларнинг бутун мажмуи, шунингдек, уларнинг сабаблари 1990-йилларда глобаллашув (лот. globus – ер қурраси) деб номланди.

Глобаллашув жамият ҳаётининг турли жабҳаларида бутун Ер сайёраси учун ягона бўлган тузилмалар, алоқалар ва муносабатларнинг шаклланиши, универсаллашув жараёнидир. Шунингдек глобаллашув глобал маконнинг туташлиги, ягона жаҳон ҳўжалиги, умумий экологик ўзаро алоқадорлик, глобал коммуникациялар ва шу қабилар билан тавсифланади.

Жаҳон ривожланишининг энг янги тенденцияларини англаб этиш борасидаги кўп сонли саъй-ҳаракатлар глобаллашув жараёнларининг моҳияти, тенденциялари ва сабабларини, улар таъсирида юзага келаётган глобал Муаммоларни аниқлаш ва бу жараёнларнинг оқибатларини англаб этишга қаратилган фанлараро илмий тадқиқотлар соҳаси – глобалистика

пайдо бўлишига олиб келди.

Кенгроқ маънода “глобалистика” атамаси глобаллашувнинг турли жиҳатлари ва глобал муаммоларга оид илмий, фалсафий, маданий ва амалий тадқиқотларни, жумладан, уларнинг олинган натижаларини, шунингдек, уларни айрим давлатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсида ҳам иқтисодий, ижтимоий ва сиёсийжабҳаларда амалга жорий этиш борасидаги амалий фаолиятни ифодалаш учун қўлланилади.

Глобаллашувнинг навбатдаги босқичи дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жиҳатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борликка айланди. Айни шу даврда дунёни иқтисодий бўлиб олиш яқунланди ва бунинг натижасида турли мамлакатлар ва халқларнинг кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган мутлақо янгича тусдаги кескин халқаро муаммолар юзага келди. Бу жараёнлар нафақат иқтисодиёт, сиёсат ва ижтимоий ҳаётни, балки алоқа ва коммуникация воситаларини, шунингдек маънавий жабҳа – маданият, фан ва фалсафани ҳам қамраб олди.

Оғир ва мураккаб вазифаларни ечишда инсонга фан доим ёрдам берган. Бир пайтлар эришиб бўлмайдиган, инсон имкониятлари даражасидан Ташқарида бўлиб туюлган нарсаларнинг аксариятига айнан фан ёрдамида эришилган. Айни шу сабабли глобал муаммолар хавф солаётгани ҳақидаги илк огоҳлантиришларнинг ўзиёқ одамларни фанга ўз эътиборини қаратишга, олимларни эса бу муаммоларни ечиш йўллариини излашга мажбур қилди.

Глобаллашувнинг асосий хусусияти ахборот жараёнларини тезкорлик билан тарқалишига, ахборотлар масаласида чегараларни “ювилишида”(йўқ бўлишида) мақсадларнинг ахамияти бўлмаслигида кўринади. Глобаллашув жараёни кўп қиррали бўлиб, у ҳамма соҳани қамраб олади ва уларнинг яқинлашувига хизмат қилади. “Шу маънода, глобаллашув – бу аввало ҳаёт

суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”.

Глобаллашув дунё миқёсидаги алоқалар, тузилмалар ва муносабатлар юзага келиши билан боғлиқ. Мазкур жараёнлар натижасида дунё ўзининг деярли барча жихатларида яхлит бир бутун организм сифатида узил-кесил шаклланди. Фундаментал деб номланувчи бундай глобаллашувнинг илк аломатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди, XX аср ўрталарига келиб эса у тўла даражада борлиққа айланди.

Глобаллашув жараёни объектив ва қонуний жараён бўлиб, ўзига хос бир қанча ижобий хусусиятларга эга. Бу жараён биринчи галда давлатга халқаро майдонга эркин чиқишига, бошқалар билан яқиндан ҳамкорлик олиб боришига ва ўз миллий манфаатларини турли хил халқаро ва нодавлат ташкилотлари доирасида таъминлашга кенг имкониятлар беради.

Шуни айтиш керакки, вақт ўтиши билан глобаллашув жараёнининг ўзига хос ижобий томонлари билан бирга бир қатор салбий жихатлари ҳам намоён бўла бошлайди. Давлатларнинг бир-бирига нисбатан сезиларли даражада ўсиши шуни кўрсатмоқдаки, бир минтақадаги хох, салбий, хох ижобий воқеа-ходисалар бўлсин глобаллашув жараёни дунёнинг бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалиб ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг оқибатида, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигида жиддий таҳдидлар вужудга келади. Вазиятнинг кескинлашуви ташқи таҳдидларнинг ички таҳдидлар билан, шунингдек, анъанавий таҳдидлар билан ўзаро кўшилиши, улар орасидаги масофанинг яқинлашуви ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ўсиб бориши миллий минтақавий хавфсизликни таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу билан бирга бугунги кунда жаҳон геосиёсатида геостратегик кучлар мувозанатининг ўзгариши, кўп қутбли марказлар юзага келиши, улар орасидаги рақобат ҳамда айрим давлатларнинг дунё хукмронлиги учун очиқдан очиқ даъволари янги мустақил давлатларда жамиятни эркинлаштириш ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнига, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Мазкур таҳдидлар эса замонавий халқаро муносабатлар тизимидаги

глобаллашув ва интеграциялашув натижасида кундан кунга миллий ва минтақавий ва халқаро хавфсизликка хавф солиб боради. Бу эса геосиёсий вазиятни ўзгариши ҳамда рақобатнинг кучайиши натижасида юқорида кўрсатилган омиллардан ташқари илгари кузатилмаган таҳдидларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Бугунги глобаллашув асрида ахборотга бўлган талаб ҳар қачонгидан кўра кучайиб бормоқда. Шундай экан, ҳолис ва ҳаққоний ахборотларни тарқатиш, омманинг бу махсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан кўра мазкур кунда долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари, теле-радио каналлар одамларни ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказадиган, гуманистик қарашлар илғор ғояларни ифода қиладиган эркин минбар сифатида эътибор бериладиган воситадир.

Бугун жаҳон миқёсида бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, иқтисодий тараққиёт, илм фандаги инсон аҳлини лол қолдирадиган янгиликлару ихтиролар барча-барчаси оммавий ахборот воситалари орқали маълум бўлмоқда. Демак, ОАВ, матбуот яхшиликка, эзгуликка хизмат қилмоқда, лекин минг афсуслар бўлсинки, ўтган асрнинг охирлари, ХХІ асрнинг дастлабки йилларида Ғарб матбуотида биз айтган эзгуликка хизмат қилиш ўрнига бошқа буюртмали “эзгуликка” хизмат қилиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Айниқса, бу ҳолни собиқ иттифоқ пароканда бўлгач, унинг ўрнида ташкил топган мустақил ҳамдўстлик давлатларида, хусусан, Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон билан боғлиқ жараёнларда учратиш мумкин.

Глобаллашувнинг авж олиши миллатнинг миллийлик “чегараларини” йўқ қилиб юбормоқда, оммавий маънавиятни шакллантиришга олиб келмоқда. Бунинг натижасида ҳар бир миллатга хос бўлган урф-одат, анъана, қадриятлар ўз аҳамиятини тобора “йўқота” бориш хавфи юзага келмоқда. Бу миллатнинг маънавий қашшоқлашувининг содир бўлишига, уларнинг ўзлигини англамайдиган манқуртларига олиб келувчи таҳдидларни юзага

келишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, умуминсоний маънавий турли-туман миллатларнинг ўзига хос бошқа миллатлар учун ҳам маънавий озуқа бера оладиган қирраларини ўзида мужассамлаштирганлиги боис, табиий равишда кенг ёйилиб боради ҳамда жахонда яшаётган турли миллатларнинг маънавияти ривожланишига ёрдам беради.

Жамият замонавийлашувида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар, ҳуқуқий муносабатлар муҳим рол ўйнаши билан бир қаторда, ижтимоий онг шакллари, айниқса, мафкура, кишиларнинг турмуш тарзи, тафаккури сифатида замаонавийлашув жараёнини босқичма-босқич амалга оширишга кўмак беради. Шундай экан, миллат ва миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анаъна ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар. Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёсдир.

Янгича тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий омиллари сифатида Ўзбекистоннинг умумий ва ягона Ватан эканлигини тушуниш, мустақилликни мустаҳкамлаш ва мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшишига интилишни ўзида акс эттиради. Шунингдек, янги миллий тафаккурда кишиларнинг миллий-маданий меросни асраб авайлаш, жамиятнинг маданий-иқтисодий камолотига интилиш, миллатпарастлик ва миллатчиликка қарши кураш, этник муносабатларда умуминсоний қадриятлар ва тамойилларнинг устуворлиги каби мақсадлар ҳам намоён бўлади. Бундан ташқари, миллий манфаатлар, эҳтиёжларнинг умумий мақсадларга бўйсундирилганлиги, миллий ғурур, миллий ўзликни англаш жараёнларининг мамлакатнинг пировард мақсадларга хизмат қилишга



йўналтирилганлиги, сиёсий институтлар, партиялар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги, диний қавмларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигига эришиш ҳам замонавий жамиятни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда янги тафаккурни шакллантириш яна бир омилларидан бири бўлган – ўзбек халқининг ғоят бой маънавий-маданий мероси, шу жумладан, ўзбек фалсафий меросига суяниб, жаҳон цивилизацияси ва муваффақиятларидан самарали фойдаланишдир. Жаҳон цивилизациясининг ўзига хос энг муҳим хусусияти фан ва технология ютуқлари инсон турмуш тарзининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораётганлиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда барпо этилаётган жамиятнинг миллий тафаккурида инсонпарварлик, маърифатпарварлик тушунчалари тўдақонли мавжуд бўлиши керак. Бу тушунчалар бевосита кадрият сифатида инсон танасига сингиб кетиши лозим. Шундагина миллий ва умуминсоний кадриятлар бирлигига асосланган қудратли миллий тафаккур концепциясини яратишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб боради.

Ўзбекистонда жамият модернизацияси тамойиллари ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, ислохотлар билан ҳамоҳанг уйғунлиги, кишилар онгида ижтимоий ўзгаришларнинг объектив инъикоси тарзида вужудга келиши, аҳолининг мутлақ кўпчилиги учун зарурий иқтисодий маънавий эҳтиёжга айланиши, ижтимоий онг, яъни психологик ва миллий туйғуларнинг уйғунлиги сифатида намоён бўлади.

Анъанавий жамиятларнинг модернизация бобидаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ўзгаришлар ва демократик жараёнларнинг фундаментал ижтимоий базага эга бўлиши бу жараённинг легитимлашуви билан ҳам боғлиқдир. Бизнинг фикримизча, замонавий жамият шаклланиши жараёнида сиёсий партияларнинг жаҳонда юзага келган ҳозирги замон сиёсий жараёнларда аҳамияти ошиб бориши билан характерланади. Шунинг учун ҳам, миллий тафаккур замонавий жамият ҳақидаги тасаввурларни фуқаролар онгига сингдиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда янгича тафаккур мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш ҳамда бу жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиб яшаш тамойилини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш масалаларини ҳал этишда муҳим омил сифатида катта аҳамиятга эга.

Эндиги вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки, тафаккур озод бўлмаса онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Шу жиҳатдан, янгича тафаккурнинг асосий вазифалардан бири одамларнинг миллий онгги, сиёсий маданиятини юксалтириш, кишиларда миллий ғурурни ўстириш, миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш сингари замонавийлашув жараёнлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳам киради. Мустақилликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишда, демократик жамият қуриш учун унинг ижтимоий-иқтисодий негизларини яратиш, истиқлолнинг моҳиятини фаол тарзда ижтимоий онгга сингдириш, миллий фалсафани тиклаш, муқаддас анъаналаримизни англаш ва ҳар томонлама ривожлантириш, истибдод даврида юзага келган иллатларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан сиқиб чиқариш, шунингдек, мустақиллик, озодлик, тенг ҳуқуқлилиқ туйғуларини сингдириш каби аниқ вазифаларни ўзига қамраб олади.

Демак, Ўзбекистонда модернизация жараёнларида янгича тафаккур шакллантиришда қуйидаги омилларларда намоён бўлади:

Биринчидан, жамиятнинг муваффақиятли модернизацияси миллий тафаккур билан узвий боғлиқдир. Бинобарин, ҳар қандай трансформацион жамият объектив равишда муайян типдаги фалсафага эҳтиёж мавжуддир. Чунки, ижтимоий ўзгаришлар, сиёсий ислохотлар мақсади аҳолининг кенг

катламларига тушунтирилиши, фуқароларнинг давлатга, эртанги кунга ишончи пайдо бўлиши, уларда ижтимоий муаммолар ечимига фаол позицияси шакллантирилиши, умумий консенсус ва б. фалсафий омилни муқаррар равишда тақозо этади. Агар, жамият модернизациясида миллий фалсафа иккинчи даражали мақсад ва вазифалар тарзида қаралса, бу ҳол, нафақат асосий жараёнларга ҳалақит беради, балки барча ўзгаришларнинг тўғри амалга ошмаслигига олиб келади.

Иккинчидан, ўзбек миллий тафаккурининг шаклланиши ва доимий такомиллаштирилиши ниҳоятда серқирра, чуқур, кенг ва масъулиятли вазифа эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилган. Шу маънода, миллий фалсафа нафақат ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, балки маънавий ҳаётнинг асосларини ўзига хос тарзда мустаҳкамлайди.

Учинчидан, ҳар қандай жамиятда миллий фалсафа ижтимоий тараққиётнинг ўта муҳим субъектив омилларидан бири сифатида доимо муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фалсафада жамият равнақи таъминланишида умумманфаат ва умумий мақсадлар ифодаланади. Шу нуқтаи назардан, жамият модернизацияси, нафақат иқтисодий, ижтимоий асосга эга бўлибгина қолмай, балки кучли фалсафий негизга ҳам эга бўлмоғи лозим.

“Менталитет” тушунчаси лотинчадан олинган сўз бўлиб, жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қувватидир. Тарихий, жуғрофий, ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида ҳар бир милларнинг тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил этиш кучи, ақлий қобилияти ва руҳий қуввати турлича бўлади. Бу кўрсаткичлар бир миллатда ёрқинроқ, иккинчисида сустроқ, баъзиларида аксинча намоён бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан бир миллатнинг менталитети иккинчи миллатнинг менталитетини инкор этмайди.

Ўзбек миллатининг менталитети энг серқирра ва мустаҳкамдир. Чунки

Ўзбек миллати босиб ўтган тарихий йўли, жуғрофий яшаш шароити, ўз миллий ҳудудининг қулайлиги, унинг асрлар давомида тарихий йўллар чораҳасида истиқомат қилиши, ўзбекларнинг тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, таҳлил кучи, ақлий қобилияти ва руҳий қуввати юксак бўлишини таъмин этган. Шу сабабли Ўзбекистонда “Авесто” ва “Қутадғу билик”, “Алпомиш”лар яратилган, инсониятнинг қадриятлар хазинаси миллий улушлар билан бойиган.

Миллатнинг менталитети, табиийки, фақатгина қадриятлар хазинаси билан белгиланмайди. Миллий менталитет миллатнинг кундалик ҳаётида унинг ўзини тутиши, бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга муносабити, хулқ-атвори, феъли, хатти-ҳаракати орқали намоён бўлади. Бу нарсалар янгича тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришдакатта амалий аҳамиятга эга, зеро миллат ҳаёти кундалик турмушда миллионларнинг минглаб амалий муаммоларини ҳал этишдан ташкил топади. Миллий менталитетнинг ўзига хослиги ҳар бир миллатда айрича намоён бўлади.

Шарқ халқларининг узоқ тарихи ва миллий мижози билан яқиндан ва диққат билан танишар эканмиз, юқорида зикр этилган фикрлар нақадар ҳақиқатга яқин эканлигининг шоҳиди бўламиз. Осиё халқларининг ҳаётга, инсонга, жамиятга, ўзига ва ўзгага, ўзидан баланддагига, ўзидан пастдагига, ҳайвонотга ва зироатга муносабати кўп минг йиллар давомида ана шундай меҳнат яратувчилик, меҳрибонлик ва осойишталик, ҳар бир кескин шароитда ҳам мураса-ю мадора, андиша-ю мулоҳазага ўрин ва вақт топиш айнан ўзбек фалсафасининг ўзагини ташкил қилади.

Ўзбекни миллат сифатидаги табиати, феъли, хулқи, мижози ҳар қадамда ана шу хислат ва хусусиятларни намоён этиб туради. Миллатимизнинг асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган бу хусусиятлари шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда ниҳоятда ммуҳим касб этмоқдаки, миллатнинг бу хусусияти давр тақозоларига монаддир.

XX аср давомидаги жаҳон урушларидан, мустамлакачиликка қарши ва миллий озодлик учун курашлардан, мафкуравий асосдаги тўқнашувлар,

эхтирослар жазавасидан толиққан инсоният янги асрда бу мусибат ва хусуматларсиз яшаш имкониятларини қидирмоқда. Бунда, албатда, ўзбек миллати ўзининг фалсафаси орқали эришиши мумкинлигини таъкидлаш ўринлидир. Демак, ўзбек миллати ўзи хос бўлган ва эзгуликка йўғирилган хусусиятларини мамлакат иқтисодиёти ва халқнинг маънавий дунёқарашини ривожлантиришга ҳамда такомиллаштиришга сарф қилади.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Глобаллашув шароитида янги тафаккур нима учун зарур?
2. Янги тафаккурни шакллантиришнинг фалсафий омиллари.
3. Миллий менталитет деганда нимани тушунаси?
4. Янги тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий менталитет.
5. Ўзбекни миллатининг сифатлари ҳақида гапиринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон. 2000. –Б. 3
2. Хоназаров Қ. Миллий менталитет – тараққиёт омили. Мулоқот журнали. 2000. –Б. 3
3. Чориев А. Ижтимоий қиёфа. Мулоқот журнали. 2001. –Б. 9
4. Шермухаммедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. –Т.:Фан. 2005. –Б. 5

### 3-МАВЗУ: XX аср ўзбек фалсафаси ва унинг ривожланиш стратегияси (2 соат)

#### Режа:

1. XX аср ўзбек фалсафасининг шаклланиши омиллари.
2. XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари.
3. Жамиятнинг янги тараққиёти босқичида миллий фалсафа мактабининг стратегияси.

*Калим сўзлар:* ватанпарварлик, маърифатпарварлик, истиқлол, озодлик, жаҳид, ижтимоий-сиёсий ва миллий-маърифий ҳаракат, илм-фан, тараққийпарвар, фалсафа, жузғофия, сиёсат, диний хурофот.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон, Кавказ, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, миллий-маърифий ҳаракат XIX асрнинг 80-йилларига келиб, секин-аста Туркистон бўйлаб ёйила бошлади. Бу ижтимоий-миллий ҳаракатга ўша даврнинг барча соҳаларда фаолият олиб бораётган миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар бирлаша бошладилар. Шу асосда миллий ҳаракатлардан бўлган жаҳидчилик тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди. Уларнинг асосий ғоялари ва мақсадлари мамлакатни ўрта асрларга хос бўлган қоқлик ва диний хурофотлардан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш ва шу асосда мустақил ҳукуматни барпо этиш учун курашдан иборат бўлган эди. Ана шу асосда ўзбек фалсафасининг янги илдизлари куртак оча бошлади.

Мамлакатни қоқликдан, турғунликдан олиб чиқиш мақсадида ишни мактаб ва таълим ислоҳотидан бошлаган жаҳидлар бир-бири билан боғлиқ бўлган қатор йирик муаммоларга дуч келдилар. Бу жараёнда жаҳидчилик

харакатининг ўзи ҳам, унга бўлган муносабат ҳам ўзига хос такомиллашув эволюциясини ўтайди. У тор маърифий ҳаракатдан кенг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий ҳаракатга айланди. Миллий тараққийпарварлар ўз фаолиятида давлат ва унинг қурилишидан тортиб, жамият ва унинг маънавий ҳаётигача бўлган барча масалаларни қамраб олишади.

Жадид намояндалари илгари сурган асосий ғоя маърифатпарварлик ва миллий истиқлол эришиш бўлган. Буларни рўёбга чиқариш учун улар миллий дунёқарашни шакллантириш зарурлигини ҳам амалда, ҳам илм-фанда ва маданий баҳсларда кўрсата олдилар.

Тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ кўлэзма бўлса ҳам, уларни тўплаш, халқимизни, ёшларимизни улар (манбалар) билан таништириш, ўзбекнинг қандай буюк ва бетакрор мероси борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялаш кабилар ўзбек фалсафасининг шаклланиши омилларидан биридир.

XIX аср охири XX аср бошларида барча ўлкаларда хур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан ташкил этилган маданий-маърифий жамият ва уюшмалардан жадид ҳаракатлари шаклланди. Жумладан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари бўлган Обиджон Махмудов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода каби маърифатпарварлар, фидойи инсонлар ўз шахсий манфаати, ҳузур-ҳаловларидан кечиб, эл-улус манфаати, юртни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди.

Туркистонда ҳукм сурган фавқулотда қалоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш ҳамда пировардида эрк ва ҳуррият ғояларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жадидлар тарихий вазият тақозоси

билан ўз ҳаракатларини бошлайдилар. Жаидларнинг аксар вакиллари ёшларга даставвал диний таълим билан бир қаторда дунёвий фанлар, шу жумладан, фалсафа, жуғрофия, сиёсат ва аниқ фанларни ўқитишни кун тартибига қўйдилар. Улар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислох қилиб, янгича усулдаги мактабларни очдилар.

Туркистон жаидчилиқ ҳаракатининг илғор вакили, йирик сармоядор, ношир ва жамоат арбоби, асли Марғилонлик Обиджон Маҳмудов биринчилардан бўлиб 1914 йилда Қўқонда босмахона ташкил қилади. Шунингдек, 1914-1917 йиллар мобайнида Қўқонда Обиджон Маҳмудов ўзининг муҳаррирлигида нашр қилинган “Садойи Туркистон”, “Тирик сўз”, рус тилида чиққан “Ферганское эхо” газеталарида миллат дилидаги гапларни ўз саҳифаларига кўчириш билан кифояланмай, қандай ишларни биринчи навбатда амалга ошириш масаласини кўрсатиб беради.

XX аср бошларида содир бўлаётган муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар Ҳамза ҳаётига, унинг ижодкор сифатида шаклланишига кучли таъсир кўрсатди. 1905 йилдаги инқилобий ҳаракатлар Русиянинг чекка ўлкалари халқларида маърифат, озодлик, истиқлол сари интилишларига туртки бўлди. Унинг ижодига, айниқса, Исмоилбек Гаспринскийнинг “Таржимон”, Фотиҳ Каримийнинг “Вақт” газеталари, Ризо Фахриддиннинг “Шўро” журнали, шу билан бирга, ўзбек тилида Тошкентда чиқа бошлаган Исмоил Обидийнинг “Тараққий”, Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг “Хуршид”, Абдулла Авлонийнинг “Шухрат” газеталари кучли таъсир кўрсатди. Улар билан алоқа ўрнатиш орқали Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ўзининг дастлабки шеър ва мақолаларини мазкур газета ва журналларда чоп эттира бошлади.

1914 йил 11 сентябрда жаидчилиқ ҳаракатининг буюк раҳнамози Исмоилбек Гаспрали вафоти муносабати билан ҳамма жаид ижодкорлари сингари Ҳамза ҳам ўз ҳамдардлигини билдириб, “Явмул-вафот” (Садойи Фарғона, 1914 йил 24 сентябрь) мақоласини ва “Марсия” (Садойи Фарғона, 1914 йил 28 сентябрь) шеърини эълон қилади.

Ҳамзанинг ташаббуси билан 1914 йилда дастлаб Марғилонда, кейин



эса Қўқонда усули жаид мактаблари очилади. Ўзи очган усули жаид мактаблари учун “Енгил адабиёт”, “Ўқиш китоби”, “Қироат китоби” каби дарсликларни яратади. 1915 йилга келиб Ҳамза қўқонлик маърифатчилар билан ҳамкорликда усули жаид мактаблари учун дарсликлар нашр қилиш, ўқувчиларни Тошкент ва бошқа шаҳарларда босмадан чиққан дарсликлар билан таъминлаш мақсадида “Ғайрат” китобхонасини ташкил қилади. Бу китобхонада Саидрасул Саидазизовнинг “Устози аввал”, Мунавварқорининг “Адиби аввал”, “Адиби соний”, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдулла Авлонийларнинг дарсликлари ҳам кўп нусхаларда бўлган. Ҳамза ҳам бошқа жаид намоёндалари сингари ўзининг сахна асарлари билан алоҳида ажралиб туради. 1915 йилда ёзилган “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари”, 1917 йилда ёзилган “Ўч”, “Муҳторият ёки автономия”, 1918 йилда ёзилган “Ким тўғри?”, “Бой ила хизматчи” драмалари шулар жумласидандир.

Ҳамза ўзбек фалсафасини мусиқа, халқ куйлари воситасида, қўшиқлар шаклида халқ қалбига тезроқ ва таъсирлироқ кириб бориши мумкинлигини яхши тушунган. Шоир ўзининг биринчи Жаҳон уруши арафасида ёзган “Йиғла Туркистон” шеърида миллатни жаҳолат, истибдод, илмсизлик туфайли фажеъ аҳволга тушган Туркистонни йиғлашга даъват этади: сен шундай йиғлагинки, хатто “руҳсиз танлар тебрасин”, сени шундай аҳволга солган, ўзи зиллатга, хорликка ботган миллат уйғонсин! - деб қуйидаги сатрларни битади:

Дариғ тутманг илм учун кетса молу жон,  
Ўқув фарзлиги минг йўл Қуръонда фармон,  
Маърифатсиз тонулмас аҳқому имон,  
Илмсизга айтулмас комил мусулмон.  
Йиғла, йиғла, Туркистон, йиғла, Туркистон,  
Руҳсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон.

Шоирни қийнаётган, унинг фарёд чекишга сабаб бўлаётган нарса миллатнинг илмсизлиги, бу илмсизлик оқибатида ўзига “Ўлмасиндан илгари жисмига кафан бичгани” – деб қуйидаги сатрларни ёзади:

Бўғзи сори тўлгунча ғафлат шаробин ичган,  
Ўлмасиндан илгари жисмига кафан бичган,  
Умид риштасин кесуб, ору номусдан кечган,  
Боғлу қўлинг, Туркистон, нобакорларму чечган?

Ушбу шеърдаги сатрлардан кўриниб турибдики, Ҳамза миллатнинг шаклланишида, озодликка эришишида илм-фан, маърифат бирламчи аҳамиятга эга эканлигини, шунингдек, шу асосда миллат тафаккурини уйғотиш билан ўзбек фалсафасини асосларини кўрсатиб беради.

Ҳамзанинг “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси”га мансуб “Сафсар гул” тўпламига мардикорликка олинган ўзбекнинг юртдан узокдаги хору зорликда кечган ҳаётини тасвирловчи шеърлари кирган. Уларда мардикорларнинг ички хис-туйғулари, эл-юртига бўлган чексиз муҳаббати, соғинчи ўз ифодасини топган. Шунингдек, у мардикор олиш воқеаси мустабид тузумнинг миллатни таҳқирловчи, уни абадий тутқунликда сақловчи тадбири эканлигини “Фарғона фожиалари” асарининг “Истибдод қурбонлари” қисмида рус мустамлакачиларини аёвсиз фош этади.

Шоир ўзининг “Ийди қурбон” (Садойи Туркистон), “Эътибор” (Садойи Фарғона) каби мақолаларида миллатни ярамас иллатлардан, фақирликдан, хурофотдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатдир, шунингдек, ўзининг фалсафасига эга бўлиш керак, деган ғояни илгари суради ва бою камбағал, зиёлию дин пешволари – ҳаммаларининг қўлни-қўлга бериб, янги усули жаид мактабларига кўмак беришларини таъкидлайди. Ҳамза миллий айирмаларга, синфий табақаланишларга кескин қарши чиқади.

Жаидчилик ҳаракатининг яна бир йирик вакили бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир. Унинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган ходисалардан бири унинг Заки Валидий билан танишуви бўлган. 1912 йилда Заки Валидийнинг “Турк ва татар тарихи” номли китоби нашр этилиб, қисқа муддатларда унга катта шуҳрат олиб келади. Шу вақтларда 15 ёшга тўлган Абдулҳамид ҳам бошқалар қатори мазкур китобни зўр иштиёқ билан ўқиб чиқади. Китобдан таъсирланган ёш шоир китоб муаллифига миннатдорчилик

мактубини ёзади ва уни Туркистонга таклиф қилади. Тақдирнинг тақозоси билан Қозон университети Заки Валидийни 1913 йилнинг охирида Фарғона водийсига илмий сафарга юборади. Олим Андижонда экан, Назир Тўракул (машҳур Назир Тўрақулов, давлат ва жамоат арбоби) билан бирга Абдулҳамидлар уйида бўлади ва уларнинг (Заки Валидий ва Чўлпон. А.Қ.) дўстона муносабатлари 1920 йилларгача давом этади.

1914 йил Тошкентда Мунаввар Қори Абдурашидхонов билан танишиш Чўлпоннинг миллий уйғониш ҳаракати намояндаси сифатида шаклланишида муҳим омил бўлди. Айниқса, Туркистон аҳолисининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқлик шароитида яшаётганининг асосий сабабини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатида кўрган Чўлпон бошқа маърифатпарварлар катори, ўз асарлари билан халқнинг маданий ва маърифий савиясини кўтаришга киришган.

Чўлпоннинг адабий ижоди 1913-1914 йилларни ўз ичига олган бўлиб, Андижоннинг ижтимоий ва маданий ҳаёти ҳақида хабарлар ёзиш билан бошланади. Унинг матбуотдаги дастлабки шеър ва мақолалари 1914 йилдан кўрина бошлайди. Жумладан, “Садои Туркистон” газетаси 1914 йил 14 апрель сонидида Мунаввар Қори Абдурашидхонов 15 яшар Абдулҳамиднинг “Туркистонли қардошларимизга” шеърини муштарийларга ҳавола этар экан, у ўзининг ўқувчиларни ёшгина қалби билан ёруғлик ва илм-маърифатга, маориф йўлига бошланганидан мамнунлигини яширмаган ва унинг келажагига катта умид билдирган эди.

1917 йил Февраль инқилобининг рўй бериши тараққийпарвар зиёлилар дунёқарашини ўзгартириб юборди. Шу жумладан, Чўлпон ҳам мустақиллик учун кураш энди тарғибий-ташвиқий давридан амалий фаолият босқичига ўтганини англади. Чўлпон Туркистон мухторият ҳукуматининг барпо этилиши ва уни шаклланишида фаол иштирок этиб, мухториятни шарафловчи “Озод турк байрами” шеърини ёзди ва бу шеър ўзбек давлатчилиги тарихида илк мадҳия бўлди.

Тарихий давр ва тарихий шароит Чўлпондан муҳаббат ва табиат

лирикасидан кўра шу даврдаги ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳволини яхшилашга қаратилган асарлар ёзишни тақазо этади. Ватан ва миллат манфаати билан яшаган шоир большевиклар олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фош этишга, халқни зулм ва зўравонликка қарши хуррият учун курашга даъват этадиган шеърлар ёзди. Шунингдек, шу маънода 20-йилларда ёзган “Ойдин кечаларда”, “Қор кўйнида лола”, “Новвой қиз” каби ҳикояларида ўзбек хотин-қизларининг аянчли тақдирини очиб берган.

Чўлпон шеърининг севимли мавзуларидан бири хотин-қизлар озодлиги бўлган. У бу масалани истиқлол учун курашнинг таркибий қисми деб билди. Шоир наздида истебдоднинг энг оғир юки улар зиммасига тушган эди. Биргина мустамлакачилик эмас, ўз ичимиздаги мутаассиблик, жаҳолат азобини кўпроқ улар тортганлигини таъкидлайди. Аёлларга нисбатан шафқатсиз муносабатларни очиб беришга ҳаракат қилади. Улар тилидан айтилган кўйидаги сатрларда ҳам жуда катта ҳаққат борлиги фикрларимизни тасдиқлайди.

Кулган бошқалардир, йиғлаган менман,

Ўйнаган бошқалар, инграган менман.

Эрк эртакларини эшитган бошқа,

Қуллик кўшиғини тинглаган менман...

Бир томонда, эрк, мустақиллик учун кетаётган шафқатсиз кураш, иккинчи томондан, очлик-қаҳатчилик. Бир томонда, миллат ичида яратилган “синфий кураш”, иккинчи ёқда жаҳолат, мутаассиблик. Бундай ҳолат шоирни ларзага солади. Айни пайтда, бу курашларнинг ҳар бири ҳаёт-мамот кураши бўлиб, бири иккинчиси билан боғланиб кетган эди. Лекин аҳамиятига кўра энг муҳими истиқлол, эрк учун кетаётган кураш бўлган. Шуларни ўйлаган шоир ўзининг “Улуғ йўлда” номли шеърида юксак мақсадларга эришиш йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилган. Шу тариқа, у ватандош ва миллатдошларини юксак виждон билан яшашга ундайди.

Жадидчилик ҳаракатининг фаол иштирокчилардан яна бири миллий

Ўйғониш даврининг ижодкори, ўзининг миллий фалсафасига эга бўлган маърифатпарвар Исҳоқхон тўра Ибратдир. Исҳоқхон Ибратнинг Қўқон мадрасаларида таҳсил кўрган йиллари (1878-1886) Фарғонада водийси маданий ҳаётида, маорифида катта ўзгаришлар содир бўлаётган даврига тўғри келди. У Қўқон адабий муҳитининг йирик намоёндалари Муқимий, Фурқат, Мухйи, Завқий, Нодим, Ҳазинийлар билан ижодий алоқада бўлган.

Туркистон жадиdlари каби Ибрат ҳам ўз халқини мутаққий миллатлар билан тенг кўришни истаган. Буни мактаб-мадрасаларни тубдан ислоҳ қилиш орқали эришиш мумкинлиги англаб етган. Шунинг учун ўзининг бор куч-ғайратини, билимини жаdid намоёндалари билан бирлаштиришга ҳаракат қилган. Жумладан, Исҳоқхон тўра Ибрат Тошкент жадиdlари раҳбарлик қилган “Садойи Туркистон”, Фарғонадаги “Садойи Фарғона” каби газеталарида ўз асарлари билан иштирок этган.

Исҳоқхон тўра Ибрат жаҳон илми ва маданиятида яратилган ҳар бир илғор янгиликдан ўз халқини баҳраманд этишга ҳаракат қилди. 1809 йили ташкил қилинган “Фотографияи Исҳоқия”, 1910 йили Тўрақўрғон аҳолиси учун бунёд этилган истироҳат боғи буни тасдиқлайди.

Исҳоқхон тўра Ибрат ижодидаги етакчи ғоя илм-маърифат, маданият ва техника янгиликларини тарғиб қилиш ғоясидир. У халқнинг иқтисодий-маданий ҳаётига хизмат қилувчи, унинг мушкулларини енгиллаштирувчи, узоғини яқин қилувчи илм-фанни, техникани тарғиб этди. Исҳоқхон тўра Ибрат меҳнаткаш халқ бошидаги оғир ҳаёт, қашшоқлик, мамлакатдаги қалоқликда, халқнинг нодонликда қолганининг сабабларини аниқлашга, ундан қутқариш йўлларини топишга ҳаракат қилди. Бир неча тараққий этган мамлакатларда бўлган Ибрат халқни зулматдан, мамлакатни қалоқликдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатни эгаллаш деб тушунади.

Муҳаммадшариф Сўфизода XIX аср охири XX аср бошларидаги ўзбек маданиятининг кўзга кўринган вакилларида бири бўлиб, маърифатпарвар, мураббий сифатида ҳам маориф ва маданиятимиз тарихида салмоқли ўринга эга. У ўнинчи йиллардаёқ янги усул жаdid мактабларини очиб, болаларга

дарс берган, илм-маърифатни кенг халқ орасига ёйишга жонбозлик кўрсатган кишилардан бири сифатида Фарғона водийсида шухрат топди. 1913 йилнинг охирларига келиб Чустда янги усул жадид мактабини очади ва унинг пештоғига “Мен ул буёқчиманки, мактаб хумуда ранг бериб, қора чаппаларни ўн икки ойда оқ қиламан”, деб ёзиб қўйган. Муҳаммадшариф Сўфизода биргина “усули жадид” мактаби муаллими эмас, у аввало, ўзининг фалсафасига эга бўлган тиксўз, ҳақиқатпараст шоир бўлган. Хула қилиб айтиш мумкинки, жадидларнинг хатти-ҳаракатлари ўзбек фалсафасини янгитдан шакилланишини бошлаб берди.

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Иброҳим Мўминов ва Воҳид Зоҳидовфалсафа фанларига, жумладан, ўзбек фалсафаси асос солдилар. Шундай бўлса-да, давр тақозоси билан фалсафа фани илк қалдирғочларининг фикрлари чеклаб қўйилган эди. Шунинг учун ҳам улар ўзбек фалсафаси борми ёки йўқми деган саволни очиқ қўйиш имкониятидан маҳрум эдилар.

Иброҳим Мўминов ва Воҳид Зоҳидовшахсларидан бошланган ўзбек фалсафасини мустабид тузум ўзига мослаштирган ва кўп жиҳатдан ўз миллий илдизларидан мажбуран узилган фалсафа эди. Шундай бўлса-да, улар Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий фиикри тарихи масалаларига алоҳида эътибор бера бошлайдилар. Жумладан, 1933 йилда Иброҳим Мўминовнинг “Алишер Навоий буюк маърифатчи” деган мақоласи босилиб чиқади.

1943 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг таъсис мажлисида Иброҳим Мўминов академиянинг муҳбир аъзоси этиб сайланади. 1956 йилда академиянинг академиги ва айни пайтда унинг вице-президенти бўлади. Иброҳим Мўминов ўзининг билимини, бой ҳаётий тажрибаси ва қобилиятини республикада ижтимоий фанларни янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни бажаришга қаратади.

Иброҳим Мўминов раҳбарлигида 1960 йилда “Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихи материаллар” номли асар нашр этилади. Китобда Марказий Осиё мутафаккирлари: Форобий, Ибн

Сино, Беруний, Навоий, Турди, Машраб, Бедил, Фуркат, Муқимий, Завқий, Аваз Ўтар ўғли, Ҳамзаларнинг эълон қилинган ва қўлёзма асарлари материалларидан, уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги қисқача маълумотлар берилган бўлиб, улар бугунги кунда ўзбек фалсафасининг асосини ташкил қилишда асосий омил сифатида дастурил амал бўлиб хизмат қилади.

Иброҳим Мўминовнинг шогирдлари М.Хайруллаев, А.Валиев, Ҳ.Пўлатов, Э.Юсупов, А.Ортиқовлар ҳам устоз сингари ўзбек фалсафасининг жонкуяр ва маърифатпарвар давомчиларидан бўлиб, Ўзбекистонда миллий фалсафани ривожлантиришга муносиб хиссаларини қўшганлар.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. XX аср ўзбек фалсафасининг шаклланишида жадидларнинг ўрни масаласи.
2. Жадидларнинг мамлакат олдидаги вазифалари нималардан иборат бўлган.
3. Ўзбек миллий фалсафа мактабининг стратегияси.
4. XX аср ўзбек фалсафасининг асосчилари.
5. XX аср ўзбек фалсафасининг шаклланиши омиллари.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. 2017. Т. 1. Б- 471
2. Расулов Т. Шоир Сўфизода ҳақида. (Сўфизода. “Тароналар” китобида). –Т.: Маънавият. 1968. Б- 6
3. Заки Валидий. Хотиралар. Анқара. 1999. //Нашрга тайёрловчи Исанбика Туган. Б- 98-101
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2002. 3-том. –Т.: Б- 519

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. Б- 49

6. Миллий Ўйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Маънавият. 2004. Б- 177-386-387-388-389

**4-МАВЗУ: “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси (2 соат)**

**Режа:**

1. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” концепциясининг мазмун-моҳияти.
2. “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ўзбек фалсафасининг замонавий концепцияси эканлиги.
3. Янги Ўзбекистонда ўзбек фалсафасига муносабат.

***Калит сўзлар:** Уйғониш даври маданияти, Муслмон ренессанси ёки Шарқ Уйғониш дари, Миллий уйғониш даври, миллий тикланиш, миллий юксалиш, фалсафа, жаҳидчилик, илм-фан, тафаккур, догматизм, жаҳолат, мутаассиблик.*

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги ўтган давр ичида мамлакатимизнинг барча сохаларида бўлганидек, миллий-маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, миллатимизнинг ўзлигини англаш жараёнлари, ўз миллий-маънавий меросни ўзлаштириш, миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларимизни тиклаш ва муқаддас динимизнинг улкан имкониятларидан баҳраманд бўлиш борасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Миллий тараққиёт – эволюцион характерга эга, у миллатнинг



шаклланиши, такомиллашиши ва юксалиши каби узлуксиз жараёндир. Миллий тикланиш, миллат тараққиёти тарихининг маълум бир босқичида маълум сабаблар оқибатида бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тараққиётига йўналтириш билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Миллий тикланиш – у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлардан маҳрум этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзликни англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, паймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустақиллигини қўлга киритиш натажасида миллий ривожланиш борасида ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожлантиришга йўналтиришга қаратилаган умуммиллий фаолиятдир. Миллий тикланишнинг асосий йўналиши тарихий тараққиётнинг маълум босқичида у ёки бу миллат томонидан миллий тараққиёт борасида бой берилган имкониятларини мустақилликни қўлга киритиш шарофати билан яна миллий ривожланишнинг асосий манбаига айлантириш борасидаги умуммиллий ва миллий ўзликни англаш жараёни фаолияти билан боғлиқдир.

Миллий тикланиш деганда миллий ўзлик туйғусининг уйғониши ва тобора мустаҳкамланиб бориши тушунилади. Миллий ўзликни англаш мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди, миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини оширишда, ҳар томонлама комил инсон шахсини тарбиялашда бебаҳо ички омилдир.

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари деган улуғ мақсад давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини комплекс ривожлантиришни назарда тутди. Миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойиллари Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бош ғоясидан келиб чиқади ва уни тўлдириб, бойитиб боради ҳамда халқимиз қалби ва онгига янада чуқур сингдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон – улкан табиий заҳиралар, иқтисодий ва инсон салоҳиятга

бой мамлакат. Шунинг учун миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари боришда иқтисодиётни, бутун мамлакатни инновацион асосда ривожлантириш муҳим роль уйнайди. Бугунги кундаунёда инновацион ғоясиз, илм-фан ютуқларисиз бирор-бир соҳа ривожини тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги – бу халқнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Презинтемиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

Миллий юксалиш ғоясининг асосий тамойиллари унинг илмий жиҳатдан асослангани ва мунтазамлиги, очиқлик ва бағрикенглик, тарихийлик ва замонавийлик, универсаллик ва мослашувчанлик қаби хусусиятларга эга эканлиги билан ифодаланади ва қуйидагиларда ўз аксини топади:

- миллати, тили ва динидан қатъий назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари манфаатлари ва орзу-интилишларини ақс эттириш;
- миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш;
- қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият даражасига қўтариш;
- ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллигига риоя этиш;
- шахс, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда масъулияти уйғунлигига эришиш;
- фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган иқтисодий омиллар самарадорлигини ошириш;
- миллий юксалиш ғоясини умуммиллий ҳаракатга айлантириш.

Миллий юксалиш ғояси халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий

салоҳиятини рўёбга чиқариб, Ўзбекистоннинг янги тарихида учинчи ренессанс даврининг бошланишига хизмат қилади.

Ҳар бир фаннинг ўз тадқиқот объекти бўлганидек, бугунги кун фалсафасининг ҳам ўз предмети ва ўрганиш объекти бор, шунингдек, маълум бир мақсад сари у жамият ижтимоий тараққиёти тарихида ўзига хос муаммони ечимини топишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг фалсафанинг ўрганиш объекти кенгая бошлади. Шу кунгача фалсафа ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятини ва уларнинг ривожланиш тарихини ўрганган бўлса, бугунги кун фалсафаси эса Мустақиллик Ўзбекистоннинг Уйғониш даври маданияти ривожланиш босқичларини ўрганишини ўз олдига мақсад қилиб қўйиши керак. Чунки, мамлакатимиз ҳудудида яшаб, ўзининг билими ва дунёқараши билан асрлар давомида жаҳон илм-фани тараққиётига, яъни Уйғонишига беқиёс хисса қўшиб келган мутафаккир-олимларимизнинг фаолиятини фалсафий жиҳатдан яна бир бор кўриб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Уйғониш (Ренессанс) тушунчаси Марказий Осиё, Эрон, Хитой, Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккур тараққиёти бўлиб, қадим антик адабиётга нисбатан олинган. “Ренессанс” атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалиш(14-16 асрлар)га нисбатан қўлланилган бўлса-да, Ренессанс, яъни Уйғониш фақат Европага хос эмаслигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, Уйғониш даврининг ўзига хос асосий хусусиятлари: Тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимиз маданий тарихида бир неча бор бўлганлигига амин бўламиз.

Маълумки, бугунги кунгача Ўрта Осиё бир неча Уйғониш даврларни бошдан кечирган. Жумладан, биринчи Уйғониш даври IX-XII асрларни, иккинчи Уйғониш даври XIV-XVI асрларни ва унинг давоми сифатида XIX аср охири XX аср бошларда мамлакатимиз бўйлаб фаолият олиб борган жадиличлик ҳаракатларини ҳамда у Ўзбекистон мустақиллиги билан боғлиқ

бўлиб, ўз ичига XX аср охири XXI асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий тараққиётни қамраб олади. Кўриниб турибдики, бугунги кунда файласуфлар ва адабиётшунослар олимларимиз мамлакатимизда рўй берган Уйғониш даври маданиятини ўзига хос йўл билан ўрганиб келмоқдалар.

Энди мамлакатимиз ҳудудида бугунги кунгача бўлган Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қиламиз.

Ўрта Осиёда биринчи Уйғониш даври(IX-XII асрлар) ўзининг дунё тан олган мутафаккирлари, олимлари билан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва кучли намояндаси, ўз замонасининг фундаметал фан асосчиларидан Муҳаммад Мусо Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Форобий каби алломаларимиз асосий эътиборни олам моҳиятларини билиш билан бир қаторда илм-фан тараққиётининг ривожланишига, шунингдек, башарият дунёқараши ва маънавиятининг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатдилар. Уларнинг бебаҳо мерослари ўз даври олимларининг илмий тадқиқотлари учун доимо фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Бу давр дунё илмида “Мусулмон ренессанси” ёки “Шарқ Уйғониши” номи билан аталиб келинмоқда.

